

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУТАХАССИС КАДРЛАРГА ДОИР ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Р.Д.Халимметова

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнология университетининг
Тошкент филиали катта ўқитувчиси

Аннотация: Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришига интилиш кучайди. Эркин бозор муносабатларига ўтиш, хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантириш ва ҳалқнинг осойишта турмуш тарзини таъминлаш муҳим аҳамият касб этди. Фуқароларни фаровон ҳаёт кечирishi учун шарт-шароитлар яратишига халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрнини эгаллашига қаратилган момплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

“Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш борасидаги вазифаларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: Мустақиллик, ҳуқуқий давлат, демократия, фуқаролик жамияти, эркин бозор, бозор иқтисодиёти, ҳалқ, элат, миллат, фаровонлик.

Аннотация: В годы независимости в нашей стране возросло стремление построить правовое демократическое государство и сильное гражданское общество. Важным стал переход к свободным рыночным отношениям, развитие экономики на основе приоритета частной собственности, обеспечение мирного образа жизни народа.

Реализованы комплексные меры, направленные на занятие достойного места Узбекистана на международной арене, создание условий для комфортной жизни граждан. В него включены задачи, связанные с реализацией концепции «От сильного государства к сильному гражданскому обществу».

Ключевые слова: Независимость, правовое государство, демократия, гражданское общество, свободный рынок, рыночная экономика, народ, нация, благосостояние.

Abstract: *During the years of independence, the desire to build a legal democratic state and a strong civil society has increased in our country.*

The transition to free market relations, the development of the economy based on the priority of private property, and ensuring a peaceful way of life for the people became important. Comprehensive measures have been implemented aimed at taking Uzbekistan's rightful place in the international arena and creating conditions for a comfortable life for citizens. It includes tasks related to the implementation of the concept "From a strong state to a strong civil society."

Key words: *Independence, rule of law, democracy, civil society, free market, market economy, people, nation, welfare.*

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги лойҳаси асосида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши, давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш¹,

“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини амалга ошириш борасидаги вазифаларни ўз ичига олади².

Демократик фуқаролик жамиятини ривожлантириш, Ҳаракатлар стратегиясининг маъно ва мазмуни янги авлод кадрларини тайёрлаш тизими ҳамда тажрибалари, кўп минг йиллик миллий анъаналарнинг синтези сифатида дунёга келди. Яъни “Инсон ва фуқароликнинг шахсий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди”³.

Шавкат Мирзиёев, “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз”, “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”, “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак” каби кўплаб асарларида янги ҳозирги босқичда жамиятни янада ривожлантиришнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий негизларини чуқур асослаб берди. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. –Т.: “Адолат”, 2017. 30-бет.

² Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 48-бет.

³ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 6-бет.

Энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирларни аниқ белгилаб берди” борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат¹ эканлигини кун тартибига қўйди.

Маънавиятни, маданиятни, мустахассис кадрлар тайёрлаш ва уни янги босқичда такомиллаштиришни тақозо этади. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: «Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунда маънавият ва маърифат, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир»². Дарҳақиқат, истиқлол туфайли тарихий, миллий, ахлоқий, диний кадрлар, анъаналаримиз қайта тикланиб ривожланмоқда. Ҳар қандай жамиятда маънавий-маърифий ва ахлоқий покланиш, аввало, етук, заковатли кадрлар мавжуд бўлиб дунёвий ва диний, миллий ғоялар, кадрлар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий, Муҳаммад Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақишбанд, Хожа Аҳрор Валий, Муҳаммад Хоразимий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Имом Ғаззолий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб даҳолар номи нафақат ислом, айна вақтда жаҳон цивилизацияси тарихида ҳақли равишда олтин ҳарифлар билан битилган.³ Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилган 40 йил мобайнида мамлакатда тинчлик, барқарорлик устувор бўлгани сабабли илм-фан, маданият юксак тараққий этган, кўхна заминимиз гуллаб-яшнаган. Шунинг назарда тутган ҳолда «Бугунги кунда – деган эди Президент Ш.М.Мирзиёев, “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, дона ва албатта бахтли, бўлишлари шарт!” деган ҳаёти – даъват ҳар биримизнинг, ота-оанлар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган»⁴.

XXI асрда жамият ҳаётида билимли, салоҳиятли демократик онг ва тафаккурга эга бўлган янги авлод кадрларига талаб, эҳтиёж ортиб боради. Чунки

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017.12-бет.

² Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик / “Халқ сўзи”, 2016 йил 19 октябрь.

³ Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик / “Халқ сўзи”, 2016 йил 19 октябрь.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бирганликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. -13-бет.

постиндустриал жамият даврида, яъни учинчи босқичда университетлар хос бўлган назарий билимлар саноат ва ишлаб чиқаришнинг бир жойга тўпланиб қолишида муҳим роль ўйнайди. Бу жамиятда америкалик социолог, сиёсий оқимлар мутахассиси Д.Беллнинг фикрича, капиталистлар ҳукмронлиги йўқолиб, унинг ўрнини юқори билимга эга бўлган малакали ҳуқуқий элита эгаллайди. Жамиятда ҳамиша лаёқатли, ишбилармон, етук кадрларга зарурат туғилган.

Сиёсатшунос И.Эргашев фикрича, «сиёсий соҳада нафақат ҳукумат ёки давлатнинг, у ёки бу ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг ўрни ҳам муҳим. Айни пайтда жамиятдаги мавжуд бўлган нормалар ва қоидапар, хулқ-атвор стереотиплари, сиёсий рамзлар ва миллии-маънавий қадриятлар билан боғлиқ бўлган бошқа компонентлари ҳам алоҳида ўрин тутуди. Маданият ижтимоий-тарихий ривожланишда одамларни бир-бири билан бўлган муносабатларда муҳим рол ўйнайди... Шу жиҳатдан ҳар бир давлатнинг сиёсий ҳаёти, ўзига хос маданияти, анъаналари, давлат тили, давлат рамзлари орқали шу халқнинг сиёсий борлигини, унинг фалсафасини ҳам ўзида ифода этади»¹. Демак, у ёки бу миллатнинг миллий мансублига миллий маданиятида ўзлигини кўради. Бу уларнинг сиёсий маданияти, сиёсий дунёқараши ва сиёсат фалсафаси орқали кўзга ташланади.

«Кадрлар» тушунчаси кенг қамровли бўлиб, «янги авлод кадрлари», «миллий кадрлар», «раҳбар кадрлар» тушунчалари моҳиятан бир-биридан фарқ қиладиган тушунча ва мазмунларга эга. «**Мутахассис** кадрлар» деганда - аниқ бир йўналиш бўйича мутахассисликка эга, бакалавр ва магистрлик даражасига эга бўлган, фан ва ишлаб чиқариш, яъни макроиқтисодиётнинг муайян соҳасида ишлаётган кадрлар назарда тутилади.

«**Малакали мутахассислар**» тушунчаси ҳам янги авлод кадрларининг маъно-мазмуни билан чамбарчас боғлиқ. Юксак малакали мутахассислар, менежерлар, бошқарувчиларнинг юқори мансабларни эгаллашига асосий сабаб шуки, улар «ишонч ёрлиғи» – илмий даражалар, дипломлар ва бошқа мутахассислик гувоҳномаларига эга. Уларнинг мансаби, одатда, нисбатан мустаҳкам ва даромадлидир. Шунинг учун баъзи тадқиқотчилар малакали мутахассислар ҳамда юқори синф вакиллари янги «профессионал бошқарув синфи» сифатида қарайдилар. Бироқ улар ва оддий «оқ ёқалилар» ўртасидаги фарқ бу фикрни асосли деб ҳисоблаш учун етарли эмас.

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бирганликда барпо этамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2016. -26-бет.

«Миллий кадрлар» – ҳар бир ҳудудий маконга эга бўлган миллат, элат, халқнинг азалий урф-одатлари, миллий, умуминсоний, диний кадриятлари, хусусиятлари, салоҳиятини ўзида акс эттирган, моддий ва маънавий эҳтиёжлар асосида шаклланган, оддий, ўрта ва олий маълумотга эга бўлган касб эгаларидир.

«Раҳбар кадрлар» деганда, давлат ва жамият қурилиши, бошқарувнинг у ёки бу соҳасида раҳбарлик ишини амалга ошириш жавобгарлигига эга бўлган, жамоани йўналтиришга, мамлакат, халқ, инсонлар олдида ўзининг раҳбарлик қобилияти, сифатлари билан ажралиб турадиган масъул шахсларни тушуниш мумкин. Раҳбарлик тушунчасининг маъноси кенг. У турли лавозимларда ишлайдиган шахсларга нисбатан қўлланилади. Масалан, «Президент», «Мамлакат раҳбари», «Юртбоши» тушунчалари Ўзбекистон Президентига, «Вазир», «Бош вазир» эса ҳукумат раҳбарлари ва тегишли вазирликларга нисбатан ишлатилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият раҳбарига нисбатан «Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси» тушунчаларини қўллаймиз. Шунингдек, нодавлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларида, хусусан, сиёсий партиялар, касба уюшмалари, олимлар жамияти, хотин-қизлар, фахрийлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хўжалик соҳалари бўйича ҳам турли даражаларда раҳбар, сиёсий раҳбар тушунчаси қўлланилади.

Бугунги кунда турли масъул ишларни амалга оширадиган шахсларга нисбатан «кадрлар», «янги авлод кадрлари», «кадрлар масъулияти», «раҳбар», «раҳбар кадрлар», «раҳбарлик масъулияти», кадрлар, раҳбар кадрларнинг жавобгарлиги, раҳбарлик лавозими, раҳбарлик курсида ўтирганлар деган тушунчаларни Президентимиз Шавкат Мирзиёев асарларида кўпроқ учратамиз. Айни пайтда, улар мансабдор шахслар, вазирлар, ҳокимлар, ташкилот раҳбарларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Сиёсатшунос олимлар, профессор И.Эргашев ва Ф.Эргашевлар ҳам ўз тадқиқотларида кадрлар мавзуини чуқур тадқиқ этганлар. Жумладан, улар раҳбар кадрларга бугунги кунда қўйилган янги талабларни қуйидагича таърифлайди: 1) ўз вазифасини чуқур англаб етиш; 2) иш юритишни уддалай олиш; 3) кадр ва раҳбар сифатида ишни олиб бориш билан боғлиқ жиҳатларга мустақиллик талаблари асосида ёндашиш...¹.

“Раҳбар кадрлар” тушунчасидаги иккита жиҳатга эътиборни қаратиш лозим: у “раҳбар” ва “кадр” тушунчаларини ўзида мужассам этганлиги билан

¹ Эргашев Ф., Эргашев И. Раҳбар кадрлар ва ислохотлар жараёни // Раҳбар ва ходим. –Тошкент: Академия, 1998. –Б. 87-93.

характерланади. Одатда, “кадр” деганда, маълум бир йўналиш бўйича аниқ мутахассисликка, билим ва тажрибага эга бўлган, айти пайтда, маълум бир жамоада ишлайдиган шахслар тушунилади.

Шу маънода ҳам “раҳбар кадрлар”нинг иши икки хисса масъулиятга эга. Улар ухтарининг билим ва тажрибаларини бировга шунчаки, билим берувчидар эмас, улар билим ва тажрибаларини давлат қурилиши ва жамаат бошқаруви соҳаларида, унинг аниқ йўнатишида маълум бир жамоа, ходимларнинг ишини ташкил этишда, уларнинг фаолиятларини аниқ мақсад сари йўнаттириб, ташкил қилишда, уни мувофиқлаштиришда масъулиятгни. жавобгарликни тиммаснга олган раҳбар ва бошқарув кадрларидяр Уларнинг фаолиятини аниқ мақсад сари йўналтириб, мувофиқлаштиришда жавобгарликни зиммасига олган раҳбар ва бошқарув кадрлардир. Маълум бўладики, уларнинг фаолияти ўта масъулиятли ишдир. Шу боисдан ҳам Президент Шавкат Мирзиёев фикрича “Энди ҳар биримиз, энг аввало, давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг вазифаси-ўзимиз масъул бўлган соға ва тармоқда ишларнинг аҳволини танқидий баҳолаш асосида зиммамизга юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришни таъминлашдан иборат”¹.

Кадрлар масъулияти, айниқса, “раҳбарлик масъулияти” кўпроқ ижтимоий, фалсафий, маънавий, ахлоқий тушунча бўлиб, унга ўзи эгаллаб турган иш вазифаси, ходимлар, эл-халқ, мамлакат олдидаги мажбуриятлари, бурчи билан боғлиқ маънавий-руҳий ҳолатнинг мажмуидир, деб қараш мумкин. “Масъулият” ва “жавобгарлик” бир-бири билан боғлиқ ҳолда раҳбарлик фаолиятида, бошқариш ишларини ташкил этишда муҳим рол ўйнайди.

“Мутахассис кадрлар” тушунчасида “демократик давлат”, “ҳуқуқий давлат”, “демократик жамаият”, “фуқаролик жамаияти” тушунчалари бир-бири билан уйғун мазмунга эга. Лекин унинг фарқли ва умумийлик хусусиятлари ҳам мавжуд. Аввало “демократик давлат” тушунчасини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Демократик давлатда давлат органларини ташкил қилишда, улар фаолиятида, мамлакат фуқаролари турли-туман йўллар орқали кенг иштирок этадилар. Фуқароларнинг давлат органларини ташкил қилишдаги иштироки қонун йўли билан кафолатланади ва уларнинг иштирокига кенг имкониятлар яратади. Демократик давлатда инсон манфаати, кадр-қиммати, ҳаёти, соғлиғи ҳар нарсадан юқори туради. Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ эркинликларини таъминлаш чораларини доимий равишда кўриб туради. Давлат фуқаролар назоратида ва улар турли воситалар орқали ҳисоб беради. Сиёсий институт сифатида демократик давлат мутахассис кадрлар орқали ўзини-ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 7-бет.